

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ФАРМОНИ

606 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон Фармонига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таркибини мақбуллаштириш ва янгилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон Фармонининг иловаси матни иловадаги тахрирда баён қилинсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 июль,
ПФ–5102-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 4 июлдаги
ПФ–5102-сон Фармонига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикасининг Назорат органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича
Республика кенгаши
ТАРКИБИ**

Арипов А.Н.	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Кенгаш раиси
Қўчқоров Ж.А.	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Кенгаш раиси ўринбосари
Парпиев Б.Р.	— Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси, Кенгаш раиси ўринбосари
Абдукадиров Р.В.	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси

- Касимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Ташкилий-кадрлар хизмати раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори
- Самадов С.И. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари
- лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили
- Курманов А.А. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси
- Шадманов А.Х. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси
- Абдуллаев И.Б. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
- Икромов М.М. — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири
- Ходжаев Б.А. — Ўзбекистон Республикаси молия вазири
- Саидова Г.К. — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири
- лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, банк ва молия тизимларини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудир
- Назармухамедов Д.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
- Гулямов Р.Х. — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
- Саидалиев С.С. — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, бош Давлат санитария вазири
- Икромов А.И. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси
- Жўраев Э.Н. — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, Кенгаш котиби.

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ишбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функциялар зиммасига юкланган шахслар киритилади.»